

УЎК: 633.511.575.224.4:631

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА КУНГАБОҚАРНИНГ ҒЗ
ДУРАГАЙЛАРИНИНГ БАРГЛАР СОНИ БЕЛГИСИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ**

Р.С. Сейтбаев

кичик илмий ходим,

Б.У. Айтжанов

қ.х.ф.д., к.и.х.

У.Е.Айтжанов

қ.х.ф.д., к.и.х.

Дунёда кунгабоқар етиштирувчи етакчи мамлакатларда тупроқ шароити, нав хусусиятлари, экиш муддати, экиш схемаси ва етиштириш технологияларининг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобига уруғ ҳосилдорлигини ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мойли кунгабоқарнинг серҳосил, уруғ сифати юқори ва қайта ишлашга яроқли бўлган янги навларни яратиш, мойли кунгабоқар навларининг ҳосили ва сифатини оширишда уруғ экиш муддатлари, озикланиш майдони ва мақбул экиш схемасини қўллаш натижасида мойли кунгабоқарнинг ўсиш ривожланишини жадаллаштириш, аҳолининг ёғ-мой ва қандолат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, чорвачиликни тўйимли озуқа билан таъминлашда илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Кунгабоқар ўсимлиги асосий мойли экинлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда яратилган дурагай ва навлари уруғида 56% оч сариқ тусли мой бўлиб, истеъмол мойлари ичида таъми яхшилиги билан ажралиб туради. Мойида 16% оқсил бор. Мойидаги 62% гача биологик актив липоя кислотаси, А,Д,Е,К витаминлари унинг сифатини оширади.

Х.Н.Атабаева, З.К.Юлдашева [1] ларнинг таъкидлашича, кунгабоқар пояси баккуват, тик ўсади, асосий поя ва ён шохлари қалин тўқлар билан қопланган. Барги оддий, бандли, пояда спирал шаклида жойлашади, энг йирик барглар поянинг ўрта қисмида бўлади. Поя юкорисига қараб барглар майдалашади ва энг юкоридаги барглар гултўпламининг асосини ташкил қилади. Эртапишар навлари камрок, кечпишарлари кўпроқ барг ҳосил қилади. Гуллар сариқ рангли, жинссиз, найчасимон гуллар икки жинсли, учи ўткирлашган 2-4 та пардасимон косача баргдан, оч сариқ рангли, қушилиб ўсган 5-та гултожи найчасимон гуллар зич жойлашган, саватнинг катталигига қараб 600-1200 та гул бўлиб, гуллари четдан чангланиб, саватларининг диаметри 8-50 сантиметргачани ташкил қилади.

В.П.Наконечный [3] нинг изланишларича кунгабоқар қурғоқчиликка чидамли бўлиб, барглари ва пояси транспирацияни камайтирадиганлиги сабабли, кунгабоқар гуллаш бошланишига қадар иссиқ ва қурғоқчил шароитларга жуда чидамли. Саватнинг шаклланишидан гуллашнинг охиригача бўлган даврда ҳосил энг кўп намликни (тахминан 60%) сарфлайди. Кунгабоқар учун кузги-қишки тупроқдаги намликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Намлик этарли бўлмаган жойларда, гуллаш ва пишиш

даврида намликни яхшироқ таъминлашга ёрдам беради. Шу муносабат билан, қурғоқчил худудларда суғорилмаганда, озиклантириш майдонининг кўпайиши ўсимликларнинг сув билан таъминланишини яхшилайдди. Шунинг учун тупроқ намлигидан янада оқилона фойдаланиш учун ўсимликларнинг озикланиши учун оптимал майдонини шакллантириш керак.

Кунгабоқар пластик ўсимлик бўлиб, жажоннинг турли худудларида кенг тарқалган. Бу экин четдан чангланувчи ўсимликларга кириб асосан асаларилар ёрдамида чангланади. Вегетация даврида ёруғлик ва иссиқликка талабчан бўлса ҳам уруғини униб чиқиш даврида иссиқликка кам талаб қилади 6-8 Со ҳароратда униб чиқади. Кунгабоқар ўсимлиги гуллаш ва айниқса пишиш даврида иссиқликка ўта талабчан бўлади. Вегетация даврининг навнинг хусусиятларига ва ўстириш шароитига қараб 70-150 кун бўлади [2].

Қорақалпоғистон шароитида олиб борилган изланишларимизда кунгабоқарнинг F3 дурагай оилаларнинг барглар сони бўйича таҳлиллар олиб борилди. Кунгабоқар селекциясида барглар сонини ўрганиб таҳлиллар олиб бориш аҳамиятли ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотларимизда F3 кунгабоқар дурагай оилаларнинг барглар сони бўйича ҳисоблаш ишлари олиб борилди. Кунгабоқарнинг оддий ва мураккаб дурагай оилалардан таққосланиб таҳлил қилинганда қўйидаги вариацион коэффициентлар кўрсаткичлари аниқланди. Ушбу ўрганилган оилаларда кам ва сербаргли ўсимликлар учради ва вариацион қатор 10 та синфларга тарқалди. Бунда барглар сони 18 дан 36 донагача бир ўсимликда учради ва сербаргли оилалар 30-32-36 донагача баргларга эга бўлди. Шундан ўртача кўрсаткичлар 24-26 донани ташкил этди. Бу рақамлар эса мураккаб дурагай оилалардан 34-36 донагача етганлиги маълум бўлди. Оддий дурагай оилаларнинг сербаргли оилалар сони 1-8 ни ташкил этди. Мураккаб дурагай оилаларда бундай ўсимликлар 4 баробар кўп бўлди ва аксарият ўсимликлар бақувват ва сербаргли бўлдилар. Шундай қилиб мураккаб дурагай оилаларда юқори герерозиготлик ҳолати туфайли гетерозисли авлоди ҳам сермахсул бўлиб чиқди. Юқори кўрсаткичларга эришилган мураккаб дурагайлардан F3 [F1(C-HS-H-2011г. х КК-1) х (F1 (C-Альстор х КК-1)] ва F3[F1(Сор Голлипс х КК-1)х(F1(Тельс х КК-1)] ажралиб чиқди ва трансгрессив оилалар кўп учраганлиги маълум бўлди. Вариацион қаторларида сербаргли оилалар ўнг томонда йиғилган бўлиб уларнинг сони максимал ҳолда бўлди. Оддий дурагай оилалардан аксарияти камбаргли бўлиб вариацион қаторнинг чап томонига йиғилди. Оддий дурагай F3 оилаларидан энг кенг ажралиш жараёни F3 (C-HS-H-2011г. х КК-1) ва F3 (Тельс х КК-1) кузатилди 1-жадвал.

1-жадвал

Кунгабоқарнинг F3 дурагайларида барглар сони белгиси бўйича вариацион таҳлили.

| № | оддий ва мураккаб дурагайлар | K=2 | | | | | | | | | | n | M±m | δ | V% |
|----|----------------------------------------------------------------------------------------------|-----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----------|-----|------|
| | | 18 | 20 | 22 | 24 | 26 | 28 | 30 | 32 | 34 | 36 | | | | |
| 1. | F ₃ [F ₁ (Jant lower x KK-1) x (F ₁ (Ак-12/95 x KK-1))] | 2 | 3 | 6 | 13 | 11 | 5 | 2 | 1 | 1 | - | 44 | 24,7±5,2 | 4,4 | 28,9 |
| 2. | F ₃ [F ₁ (C-НС-Н-2011г. x KK-1) x (F ₁ (С-Альстор x KK-1))] | - | 1 | - | 2 | 7 | 23 | 11 | 3 | 3 | 2 | 50 | 28,4±6,1 | 4,4 | 25,8 |
| 3. | F ₃ [F ₁ (Сор Голлиц x KK-1) x (F ₁ (Тельс x KK-1))] | 1 | 2 | 3 | 5 | 16 | 8 | 4 | 3 | 2 | 2 | 46 | 27,5±5,6 | 4,8 | 30,3 |
| 4. | F ₃ (Ак-12/95 x KK-1) | 7 | 12 | 26 | 2 | 2 | 1 | 1 | - | - | - | 51 | 22,0±4,8 | 3,9 | 20,9 |
| 5. | F ₃ (C-НС-Н-2011г. x KK-1) | 2 | 4 | 17 | 4 | 3 | 2 | 1 | 1 | - | - | 36 | 22,7±4,9 | 4,0 | 27,1 |
| 6. | F ₃ (С-Альстор x KK-1) | - | 2 | 6 | 7 | 1 | - | - | - | - | - | 16 | 23,0±5,0 | 3,0 | 11,3 |
| 7. | F ₃ (Сор Голлиц x KK-1) | 3 | 5 | 6 | 6 | 4 | 2 | 1 | - | - | - | 27 | 22,4±4,8 | 4,9 | 20,3 |
| 8. | F ₃ (Тельс x KK-1) | 7 | 8 | 16 | 17 | 5 | 4 | 2 | 1 | - | - | 60 | 23,3±5,5 | 4,6 | 21,4 |
| 9. | F ₃ (Jant lower x KK-1) | 1 | 2 | 6 | 5 | 3 | 1 | 1 | - | - | - | 19 | 22,8±5,4 | 3,1 | 12,6 |

Юкоридагилардан шундай хулоса килиш мумкин мураккаб дурагайлардан юкори кўрсаткичларни F₃ [F₁(C-НС-Н-2011г. x KK-1) x (F₁(С-Альстор x KK-1))] ва F₃[F₁(СорГоллиц x KK-1) x (F₁(Тельс x KK-1))] ажралиб чиқди. Оддий дурагай оилаларда мураккаб дурагайларга нисбатан биров паст кўрсаткичларни намоён этди ва вариацион қаторларнинг чап томонига йиғилганлиги маълум бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атабаева Х.Н, Юлдашева З.К “Мойли экинлар биологиясининг илмий асослари ва етиштиришда инновацион технологиялар” Тошкент 2019 22-бет.
2. Абдукаримов Д.Т. «Дала экинлари селекцияси ва уруғчилиги» Самарқанд 2012 й. Б.251.
3. Наконечный, В.П. Йирик уруғли кунгабоқарнинг агротехникаси/ А.И. Поляков // – 2001. - №1. – Б-22-23.